

Ta'lim jarayonida talabalar bajaradigan asosiy funktsiyalar:

Talabalar ta'lim jarayonida bilim olish bilan birgalikda quyidagi bir qator funksiyalarni ham bajarishi lozim, chunki ta'lim va tarbiya uzviy ravishda olib borilmog'i shart.

- O'quv jarayonini individuallashtirish va farqlash;
- Xato diagnostikasi va teskari aloqa bilan monitoring qilish;
- Ta'lim faoliyatini o'z-o'zini nazorat qilish va o'z-o'zini tuzatish;
- O'quv ma'lumotlarini modellashtirish va o'rganilayotgan jarayonlar yoki hodisalarni taqlid qilish;

- Turli vaziyatlarda eng yaxshi qaror qabul qilish qobiliyatini shakllantirish;
- Fikrlashning ma'lum bir turini rivojlantirish (masalan, vizual-majoziy, nazariy);
- O'rganish uchun motivatsiyani kuchaytirish;
- Maqsadli faoliyat madaniyatini shakllantirish va boshqalar.

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim muassasalari talabalar tarbiyaviy jarayonlarni tashkil etishning pedagogik-profilaktik jarayonlarning ahamiyati katta bo'lib, bunda asosan talabalarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil qilish, ularning qiziqishidan kelib chiqqan holda to'garaklar, tanlovlar tashkil qilish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak". – Toshkent: 2017, 45-b.
2. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Gidrofiliya – Zebra / 3-tom. Tahrir hay'ati: M.Aminov va b. -T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2002. 283-b.
3. Tarbiya hikmati: Ota-onalar uchun kitob. Komp. B.M.Bim-Bad, E.D.Dneprov, G.B.Kornetov. M: Pedagogika, 1989. 304-b. (Ota-onalar uchun).
4. Ismailova Z.K. Talabalarning kasbiy-pedagogik malakalarini shakllantirish. Ped. fan. nom. ... diss. -T.: O'MKHTRI. 2000.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasasi talabalar bilan tarbiyaviy-pedagogik jarayonlarni tashkil qilish, tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan metodik ko'rsatmalarni shakllantirish, pedagoglar va talabalar o'rtasidagi nutqiy muammolarni bartaraf qilish usullari haqida fikr yuritilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается организация воспитательно-педагогического процесса со студентами высших учебных заведений, формирование методических указаний воспитательного значения, пути преодоления речевых проблем между преподавателями и студентами.

SUMMARY

In this article, there are given the organization of the educational and pedagogical process with students of higher educational institutions, the formation of methodological guidelines of educational significance, ways to overcome speech problems between teachers and students.

БАДИЙ – ЭТИК МАТНЛАРНИНГ БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Х.М.Содиқов – доцент

Жиззах давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ўқитувчи, ривожлантириш, ғоя, нутқ маданияти, фаолият, ахлоқ, ахборот, бадий матн, этик матн, меъёр, тафаккур.

Ключевые слова: учитель, развитие, идея, культура речи, деятельность, этика, информация художественный текст, этический текст, норма, мышление.

Key words: teacher, development, idea, speech culture, activity, ethics, information, literary text, ethical text, norm, thinking.

Шу нарсани билиб қўйиш мақсадга мувофиқки, бадий, - этик матнларни тўғри танлаш бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив нутқ маданиятларининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Бадий адабиёт бадий матнларда ифодаланишини эътиборга оладиган бўлсак бу тушунчага ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Бадий матн – бу албатта бадий нутқнинг олиё даражада акс эттирилган яқка тартибдаги асари ҳисобланиб, у шунга ўхшаш матнлар мажмуаси сифатида қаралади.

Этик матн тўғрисида гапирадиган бўлсак бу этик талабларга мос келадиган, ахлоқ меъёрларига жавоб берадиган ахлоқий, маънавий ғояларни тарғиб қилишга йўналтирилган асар ҳисобланади.

Бадий - этик матнга тўхталадиган бўлсак – бу бадий нутқ акс эттирилган яқка тартибдаги асар саналиб, у этик талабларга мос келадиган, ахлоқ меъёрларига жавоб берадиган ахлоқий, маънавий ғояларга бой ахборотларни яратиш, шунингдек буларни ўқувчиларга етказиш ва мавжуд ахборотларни сақлаш вазибаларини бажарувчи манба ҳисобланади.

Бадий асарлар мазмун ва қадриятнинг ягоналигини таҳлил қилишда талқин қилиш ва баҳолашни талаб этади. Бадий асарни идрок этиш мантикий тушунтиришни ҳамда бадий ўхшатишларнинг бойлигини тушунишни тақозо этади. Бадий идрок психологияси гуманитар тафаккур билан боғлиқ жараён. У таълим олувчи онгида ҳосил бўлган маданиятни талаб этиши индивиднинг ҳаётий тажрибаси, маданий тайёргарлиги, унинг қайфияти ва

психологик ҳолатига боғлиқ. Идрок этиш таълим олувчининг умумий маданий тайёргарлиги ва эстетик тажрибасига, тилни билиш ва уни тушунишининг нозик жиҳатларига боғлиқ.

Бадий коммуникация бадий асар мазмунини тушуниш, тарих, ижтимоий воқелик, бадий маданият, ижтимоий фикр контекстида уни ўқиш орқали амалга оширилади. Биз биламизки бадий асар ҳақиқати, унинг ижтимоий аҳамияти, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида муҳим рол ўйнайди [1].

Бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи кўпгина методикалар орасида, энг мураккаб ва муҳимларидан бири нутқ материални танлаш ва ташкил этиш ҳисобланади. “Қандай ўқитишни аниқлаш учун, ўқитиш объекти нима ҳисобланиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур”.

Биз ўқиш тўғрисида ўқитиш воситаси сифатида гапирганимизда, коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда кўргазмалли мустаҳкамлаш ва мазмунли асос сифатида матнлардан фойдаланишни назарда тутамиз. Ўқиш тўғрисида ўқитиш мақсади сифатида айтганда, уч босқичда ташкил этилган алоҳида ишлар тизими назарда тутилади:

1. Бошланғич босқич: ўқиш техникасининг шаклланиши.

Ўқиш техникаси деганда биз китобхонлар, ўқувчилар томонидан бадий матнларни ўқишда, унинг мазмунини етказиб бериш учун хизмат қиладиган зарурий воситаларнинг ўз ўрнида, талаб даражасида қўлланилишини тушунамиз.

2. Илғор босқич: идрок этиш бирлигини ошириш асосида ўқиш техникасини такомиллаштириш. Ахборотни олиш усуллариға ўргатиш.

Биз илғор босқични тўлиқ тушунишимиз учун идрок нима деган саволға жавоб берсақгина, олдимизға кўйилган максалға эришамиз. **Идрок**— тирик организмнинг маълумотларни қабул қилиб, қайта ишлаш жараёни; организмға объектив реалликни акс эттириш ва ташқи оламдағи янғидан-янғи вазиятларни баҳолаб, шунға яраша ҳаракат қилиш имконини беради. Масалан, “Эй фарзанд, ҳар нечун йигит бўлсанг ҳам, ақлинг қари бўлсин. Мен сенға “Йигитлик қилмағил” демасман. Аммо йигитликни чидам била қилғил. Енғил йигитлардан бўлмағил, чунки йигитларға оғирлик муносибдир.

Хикоят. Юз йил яшагон ва қадди ёйдек ҳам бўлгон бир қари киши кўлиға асо тутиб борур эрди. Бир йигит уни тамасхур қилиб деди: “Эй шайх, ушбу ёйни неча танғаға олдинг? Айтғил, то мен ҳам олурман” Шайх деди: “Агар умр топсанг ва сабр қилсанг, бу ёйни сенға текинға берурлар”.

Бўлажак ўқитувчилар ушбу босқичда бадий – этик матнни тўлиқ идрок қилиб, унинг моҳиятини ўзгаларға ҳам етказиш имкониятини ўзларига яратган бўлади.

3. Якуний босқич: коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун ўқиш ва олинган ахборотдан фойдаланиш кўникмасини такомиллаштириш.

Ушбу босқичда бўлажак ўқитувчилар мисолида фикр юритадиган бўлсак, бунда талабалар матндан фойдаланиш кўникмасига эға бўлади ва улар педагогик фаолиятлари давомида коммуникатив нутқ маданиятини тарғиб қила олиш малакасиға эға бўлиб боради [2].

Бадий асарлар замонавий дунёнинг энг қизиқарли ва долзарб масалаларини ифодалаб, тарихий ҳодисаларни ёритиб, сюжетли ассоциацияларға бой бўлиб, фақатгина фикрлаш операциялариниғина туғдирмайди, балки мулоқотға “чиқиш”ни, бошқа инсонлар билан фикр алмашишни талаб этади, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий шаклланишлари учун асос ҳамда психологик шароитларни яратади.

Бадий асарларни танлаш ва таҳлил қилиш объектнинг муносабатига боғлиқ. Жумладан:

- филологик;
- лингвистик;
- комплекс;
- стилистик.

Давлатларнинг тарихий ўзаро муносабатини инобатға олган ҳолда матнларни танлаш:

- ёзувчи таниқли бўлиши;
- асарнинг онгли қадриятлилиги;
- асарнинг тарбиявий қадриятлилиги;
- ўрганилаётган мавзуга мослиги.

Юқоридағи мезонлардан келиб чиққан ҳолда биз қуйидағи хулосаға келдик.

Биринчидан, матн ўқув жараёнида талабаларнинг таълим ва тарбиясини уйғун бирлаштириш имконини берувчи материалға эға бўлиши, бадий-этик асарни ўқиш ва муҳокама қилиш талаба ёшларни ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тарбиялашға ёрдам бериши ва уларда юқори бадий-гуманитар фикрлаш тўғри ғоявий-эстетик нуктаи назардан коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришға бевосита таъсир кўрсатиши ва энг муҳими касбий шаклланишға кўмаклашиши, шунингдек, унинг муҳитиға мафкура ва маънавиятға ёт бўлган ғоясизлик, беъманоликларнинг кириб боришиға қарши кучли тўсиқ яратиши керак.

Иккинчидан, асар тушунарли ёзилган бўлиши керак. Миллатнинг тил бойлиги, анъаналари ва урф-одатлари, миллатнинг тарихий шаклланиши, унинг

цивилизацияда ривожланишини тўлиқроқ акс эттирадиган адабий асарлардан фойдаланиш лозим.

Учинчидан, китоблар талабалар учун қизиқарли бўлиши керак, улар талабаларнинг ёшларига мос келиши, долзарб бўлиши, сюжетларнинг қизиқарли ривожланишига эға бўлиши ва уларда акс этган ҳодисаларға бой бўлиши керак [3, 4].

Бадий асарларни ўрганиш орқали билимларни етказиш шакли нафақат талабаларнинг идрокига, балки ҳиссиётларига ҳам таъсир кўрсатади ва уни маълумот ҳамда далилларни танқидий эғаллаш, асар мазмунини мустақил баҳолашға ўргатиб, идрокини шакллантиради. Бу ҳолатда фойдаланиладиган нутқ коммуникацияси бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларига ёрдам беради. Матннинг моҳиятли мазмунва композицияси ўзаро алоқадорлик ҳамда ўзаро боғлиқ муносабатларда бўлиши керак. Мазмунли томони матн тузилишини ташкил этади, тузилиш эса мазмунли томонини ифодалайди.

Бадий матнлардағи “ўхшатиш воситасида” унинг ҳақиқат билан аналогиясини аниқлашни кўзда тутати. Матнлардағи ўхшашликларнинг тахминий тузилмаси даврнинг асосий хусусиятлари, тарихий ҳодисаларнинг қисқача тавсифи, муаллиф қарашларининг тавсифидан иборат. Бунда парчанинг қисқа ёки батафсил мазмунини етказиш ва асосий ғояни (фикрни) аниқлаш, парчанинг композицион тузилиши тавсифи ва композицион бирликларини ажратиш лозим. Шунингдек, асосий фикрни ажратиш, муаллиф асослашлари мантиқини англаш, ҳаракатлар даврининг ўзига хосликларини ва қатнашган шахслар характерларини ҳисобға олиш, композицион бирлик жойини ва мазкур бирлик билан бажариладиган функцияни кўрсатиш, муаллиф ҳикоя қилаётган нуктаи назарларни аниқлаш, тилға оид расмийлаштиришни кўриб чиқиш ва бадий матнни коммуникатив-нутқли боғлашдан ташкил топган алоҳида композицион бирликларни кетма-кетликда кўриб чиқиш лозим.

Бадий-этик матнларни танлашнинг мазкур барча мезонлари коммуникатив муносабатларнинг ўзига хос модели асосида қурилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданияти хусусиятларини ҳисобға олувчи бадий-этик матнларни танлаш мезонлари интерфаол методларнинг интеграцияси асосида такомиллаштириш имконини беради.

Педагогиканинг кўпгина муаммолари қаторида нутқ материални танлаш ва ташкил этиш муаммоси мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Нутқий материални танлаш ва ташкил этиш кўпгина омиллар билан белгиланади. Тил материали танланганлиги сабаб, кўпчилик бу аввало лингвистик муаммо деб ҳисоблайдилар. Аслида муаммо ҳам лингвистикаға, ҳам педагогикаға тенг миқдорда тааллуқли, чунки лингвистиканинг мақсади – тил тузилишини ўрганиш, педагогиканинг мақсади – саноксиз миқдордағи мулоҳазаларни тушуниш ва ҳосил қилишға ўргатишдан иборат [5].

Фикримизча, лингвистика мазкур ҳолатда фақатгина бошқасига нисбатан қайси тил шакли кўпроқ афзалроқ эканлиги тўғрисидағи масалани ҳал қилишға ёрдам беради. Аммо у мазкур муаммонинг барча саволларини ҳал қилишға ёрдам бера олмайди, масалан, нутқнинг кўп сонли ҳодисаларини қандай оsonлаштириш ҳамда белгиланган мақсад учун нима зарурлигини қандай танлаш мумкинлигини аниқлаб бера олмайди.

Нутқ материални танлаш ва ташкил этиш муаммосини ҳал қилиш йўллари, энг аввало, кўзда тутиладиган коммуникация соҳасидағи материални танлаш ва ташкил этишнинг тўлиқ мослигини талаб этувчи коммуникатив ёндашувға таяниши керак. Танлаш бирликлари учун “нутқ намунаси”, “нутқ модели”, “тил модели”, “тил намунаси”, “тил

структураси”, “нутқ қолипи” каби кўпгина атамалар мавжуд:

Мазмунга қизиқиш психик фаолиятни жадаллаштириши, ижобий эмоцияларга замин яратиш ва ўз фикрларини ифодалаш истагини уйғотиши сабабли маънавий муаммоларга тааллуқли бўлган энг муаммоли матнларни танлаш лозим. Бу, энг аввало, ҳозирги вақтда жамият ривожланишининг янги тарихий босқичи ахлоқий меъёрлар ва ахлоқий идеалларни янада чуқурроқ ижтимоий тўлдиришни талаб этиши билан боғлиқ. Таълим таракқиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи педагоглар ҳисобланади, шунинг учун, айнан улар ахлоқий имкониятларни кенгрок амалга ошириш зарур. Тарбиянинг барча турлари инсон шахсини, унинг жисмоний тузилиши ва маънавий олами шакллантиришга бўйсунди. Таълим инсоннинг умумий маданияти билан узвий боғлиқ [6]. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда бадий-этик матнларнинг амалий самарадорлиги ахлоқнинг айнан инсонни юксалтирувчи функцияси инсон омилини субъектив омилнинг энг самарали ифодаси сифатида

ҳаракатга келтиради. Масалан, Алишер Навоий “Ҳайратул - Аброр” (Яхши кишиларнинг ҳайрати.) асарида шундай ёзади: “Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидур. Танида руҳи бор одам доим унга эҳтиёж сезади. Сўз дунёдаги бор барча кўнгулларнинг қутисидоги жавҳар, ҳамманинг оғиз қутисидоги қимматбаҳо гавҳаридир. Агар тил бамисоли бир пўлат ҳанжар бўлса, сўз унга қадалган инжулардир. Тил шу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги тирик руҳ ҳалол бўлиши мумкин.”

Бу матнда сўз орқали инсон ахлоқини юксалтириш масаласи кўтарилган. Шунинг учун ҳам таълим – тарбия жараёнида бу матндан фойдаландиш мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтилган бадий – этик матнларни бўлажак ўқитувчилар онгига сингдиришда ва уларда коммуникатив нутқ маданиятини ривожлантиришда хизмат қилади дейиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.
2. Содиқов Ҳ.М. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти педагогларнинг коммуникатив нутқ маданиятига боғлиқлигидир. // Бошланғич таълимнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Жиззах: 2019.
3. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчининг «коммуникатив-нутқ маданияти» тушунчасининг моҳияти ва унинг назарий модели. // ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий журнал. –Тошкент: 2019. №1.
4. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак педагогнинг нутқ маданияти ва унинг назарий модели. // “Тафаккур зиёси”. – Жиззах:, 2019. № 2.
5. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини самарали ривожлантиришга доир дидактик материаллар. // Замонавий узлуксиз таълим сифатини ошириш: инновация ва истикболлар. Халқаро илмий-амалий масофавий конференция. – Тошкент: 2020.
6. Содиқов Ҳ.М. Бўлажак ўқитувчининг “Коммуникатив-нутқ маданияти” тушунчасининг моҳияти. // Бошланғич таълимда интеграциявий – инновацион ёндашувлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент: 2019. №2.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадий – этик матнларнинг бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив-нутқ маданиятларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается роль и значение художественно - этических текстов в развитии коммуникативно-речевой культуры будущих педагогов.

SUMMARY

The article discusses the role and importance of literary-ethical texts in the development of communicative speech culture of future teachers.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ - ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИК ТОМОНЛАРИ

Д.Р.Содиқова - ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: илмий дунёқараш, ижодий фикрлаш, тафаккур, ўз-ўзини тарбиялаш, таълим тизими, интеллектуал, билим.

Ключевые слова: научное мировоззрение, творческое мышление, созерцание, самообразование, система образования, интеллектуал, знания.

Key words: scientific outlook, creative thinking, contemplation, self-education, education system, intellectual, knowledge.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жамият ҳаётининг барча деҳқаларида туб ўзгаришларга олиб келмоқда, шунинг билан бирга жамоатчиликнинг ва шахснинг онгига кескин таъсир кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратишимиз айтиш мумкин. “Таълим тўғрисида” ги қонун ва давлат таълим стандартлари таълим мазмунини белгилайди. Барчамиз яхши биламизки бу ягона таълим маконида мавжуд бўлган билим даражасига мос келадиган дунёнинг сурати ҳақида ўқувчининг илмий ғояларини шакллантиришни таъминлаши керак. Замонавий ижтимоий қонунлар ва қарама-қаршиликларни билиш асосида фуқароликни шакллантириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг кадрлар салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш асосий мақсадлардан биридир.

Буларнинг барчасининг замирида ўқитувчиларнинг ўқув жараёнида такомиллаштиришга, уни фаоллаштиришга, ўқитиш усуллари, илмий

дунёқарашни, ижодий фикрлашни шакллантиришга қаратилган педагогик воситалар мажмуасини кенгрок жорий этишга интилишини юзага келтириши айтиш мумкин. Шахснинг ижодий тафаккурини ривожлантириш унинг мақсадли фаолияти жараёнида амалга оширилади [5]. Бусиз илмий билимларни чуқур ўзлаштириш ҳам, улардан амалиётда мустақил фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш ҳам мумкин эмас. Барчамиз яхши билишимиз лозимки, фақат билимли бўлишнинг ўзи ёшларнинг мустақил ҳаётга қўшилиши учун етарли асос бўла олмайди.

Бизнинг дунёни, унинг сир-асрорларини тушунишимизнинг заминидан нарсаси ва ҳодисаларнинг биз учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Ана шундай дунёни тушунишимиз, англашимиз ва унга онгли муносабатимизни билдириб, изҳор қилишимизга алоқадор билиш жараёни эса психологияда тафаккур, фикрлаш деб аталади. Тафаккур - инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарсаси ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг